

Салб юришларининг оқибатлари



07:57 / 18.11.2023 2104

Салб юришлари Яқин Шарқ халқларига саноксиз кулфатлар келтирди ва моддий ва маданий бойликларнинг йўқотилишига сабаб бўлди. Улар (айниқса тўртинчи салб юриши) Византия империяси қудратига путур етказди, шу тариқа унинг 1453 йилда батамом қулашини яқинлаштирди. Салб юришлари муваффақиятсизлик билан якунланди, шу сабабли Ўрта аср Европаси олдида турган узоқ муддатли муаммолардан ҳеч бирини ҳал этмади. Шунга қарамай, Салб юришлари Европанинг келгуси ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Улар муайян муддатга Ғарбий Европадаги демографик, ижтимоий ва сиёсий кескинликни сусайтирди. Бу Франция ва Англияда қироллик ҳукмронлигининг мустаҳкамланишига ва миллий марказлашган давлатлар барпо этилишига кўмак кўрсатди.

Салб юришлари католик черковининг вақтинча кучайишига олиб келди: черков моддий аҳволини сезиларли даражада мустаҳкамлади, ўз таъсир доирасини кенгайтди, янги ҳарбий-диний институтларни, хусусан, келгуси Европа тарихида муҳим роль ўйнаган орденлар (Ўртаер денгизини турклардан ҳимоя қилишдаги иоаннитлар, Болтиқбўйидаги немис агрессиясида тевтонликлар) ташкил этди. Папалик ғарбий христианлик оламида ўзининг етакчилик мақомини тасдиқлади. Шу билан бир вақтда Салб юришлари католиклар ва православлар ўртасида кучли ихтилофни юзага келтирди, христианлик ва ислом ўртасидаги қарама-қаршиликни чуқурлаштирди, европаликларнинг диний маслакнинг ҳар қандай ўзгача

кўринишига бўлган мурасасизлигини кучайтирди.

Ж. Ле Гоффанинг сўзларига кўра, Салб юришлари «ўрта аср христиан олами экспансионизмининг чўққиси», «Европа колониализмининг биринчи тажрибаси» бўлиб қолди.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.